Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 157 (4555).
13 ИЮЛЬ 1981 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЎККА БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 11-«Висотстрой» трестининг махсус темир-бетон қурилишлари бошқармаси коллективи шаҳримизнинг Космонавтлар проспектида 16 қаватли экспериментал уй-жой биноси қурилишини кун сайин авж олдирмоқда. Бошқарманинг Злобин методида ишлаётган С. Вашченко бошлиқ комплекс бригадаси барча қаватларда монолит бетон қуйиш ишларини жадал олиб боряпти.

Бригаданинг А. Надточи, В. Ишков, Т. Шигай сингари монтажчи, дурадгор ва операторлари смена топшириқларини мунтазам равишда ошириб адо этишяпти. Объектда қурилиш ишларини жонлантириш учун иш икки сменада ташкил этилган. Бинокорлик материалларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва ҳар дақиқа иш вақтининг юксак самарали бўлиши учун курашаётган бригада бунёдкорлари Қурувчилар кунини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олишга аҳд қилишган.

СОФПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

△ МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали Президиуми ва Министрлар Совети Монголия халқ революциясининг 60 йиллиги муносабати билан 11 июль куни Улан-Баторда қабул уюштирди.

Қабул самимий, қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

△ «Корхонанинг маиший хизмати» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

△ «Метрологиянинг қурилиш профили» сарлавҳали газетанинг бугунги иқтисодий обзорида қурилишларни ўлчов техникаси билан таъминлаш масалалари ҳақида фикр юритилади.

△ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, навбатдаги «80-йиллар дунёси», «Оила ва жамият» саҳифалари, спорт хабарлари эълон қилинган.

Биз—интернационалистларимиз

ҚАЛБ ДАЪВАТИ БИЛАН

Борис Костенко, Рамиль Аскадулин, Дамир Нугаев, Зеледа Ахиярова ва бошқалар Тошкентга Бошқирдистондан келишган. Улар бу ерга шаҳримиз қурилишига ҳисса қўшиш, ўзларининг меҳнати билан унинг қиёфасини ўзгартириш, квартал ва йўлларни гўзаллаштириш ниятида келишган. Улар ўзлари билан бирга БАМда бўлган байроқни ҳам олиб келишган. Бу байроқ уларнинг мамлакатимиздаги барча ишларда зарбдорона қатнашаётганликлари, ленинча яшаш ва меҳнат қилиш учун курашаётганликларининг рамзидир.

— Ишончимиз комилки, — дейди «Башкирия» студент-қурилиш отрядининг командири Борис Костенко, — Байкал-Амур магистрали қурувчиларининг топшириқларини аъло даражада бажарамиз. Улар бизга зарбдор меҳнат қилишни тавсия этишган эди.

...ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига кўра, Тошкентга ўн бир отряд етиб келди. Улар Арманистон ва Озарбайжон, Тожикистон ва РСФСР, Белоруссия ва Бошқирдистон вакиллари-дир.

Ўнинчи июль куни Жасорат монументи олдидаги майдонда «Дўстлик» Бутуниттифоқ интернационал студент-қурилиш отрядининг тантанали линейкаси бўлиб ўтди.

Колоннада турган йигит ва қизларнинг боши узра қизил байроқлар ва транспарантлар ҳилпирайди. Уларнинг кийимларида студент-қурилиш отрядларининг белгилари бор. Кўп ўтмасдан «Иттифоқдош республикалар отрядларининг командирлари рапорт топширинг!» деган команда янграйди.

— Назарбек зилзиласи оқибатларини бартараф этиш учун жўнатилган юз кишидан иборат Озарбайжон ССР отряди ишга тушишга тайёр! — дея рапорт берди отряд командири Шаумян Абдурахмонов.

Шаумян студент-қурилиш отряди составида олтинчи марта иштирок этмоқда. У Архангельск шаҳрида сут заводини қуришда, ўз республикасида эса ётоқхона биносини тиклашда қатнашган. Озарбайжонлик йигитлар Тошкентда ипакчилик илмий-текшириш институти учун коттеджлар, ТошПИ учун ётоқхона, «Госстандарт» биносини тиклашади. Уларнинг мақсади 20 августга қадар нормада белгиланган 90 минг сўмлик ўрнига 120 минг сўмлик иш бажаришдир. Рапортлар топширган давом этади. Бу рапортларнинг ҳар бирида студентлар амалга ошираётган ишларнинг бой тарихи бор.

Майдонда тўпланганларга Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин мурожаат қилди.

— Бугун, мана шу тантанали линейкада, — деди у, —

ҚУРИЛИШ КОНВЕЙЕРИГА — АНИҚ МАРОМ

К. П. ДУДИН,
Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладида янги беш йилликнинг қурувчилар учун жиддий имтиҳон бўлишини таъкидлаб, шундай деган эди: **«Маҳсулотнинг энг кўп ўсишини таъминлашга, танг жойларни тугатишга қодир бўлган корхоналарни тезроқ қуриб битказиб, ишга тушириш учун кучларни ҳар томонлама жамлаш шу беш йилликка хос хусусиятдир. Биз ҳозирдаёқ шу йўлдан бормоқдамиз ва унга сўзсиз амал қилиш керак».**

Ўн биринчи беш йилликда тошкентлик қурувчилар олдида ҳам улкан ишлар программаси туриби. Бу биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришдан, ишга тушириладиган ҳамда муҳим объектларда куч ва маблағларни марказлаштиришдан иборатдир. Янги беш йилликда маданий-маиший объектлар билан комплекс равишда қад кўтараётган уй-жой қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилади. Фақатгина шу йилнинг ўзида шаҳарда бир миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жойлар, 14.896 ўқувчи ўринли мактаблар, 6.340 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, кўплаб шифохоналар, поликлиникалар, маданий-маиший объектларни қуриб, фойдаланишга топшириш лозим. Беш йиллик охирига бориб эса, уй-жойларни қуриб фойдаланишга топширишнинг йиллик ҳажми бир ярим миллион квадрат метрга етказилиши керак.

Тошкентнинг 2 минг йиллигини ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш юзасидан шаҳардаги қурилиш ташкилотлари, лойиҳаловчилар, буюртмачи ташкилотлар, барча партия, совет ва хўжалик ташкилотлари олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди.

Шу йилнинг дастлабки биринчи ярим йили иш якунларининг кўрсатишича, партия ташкилотлари, коммунистлар бошчилигидаги меҳнат коллективлари, энг аввало, план ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш, барча меҳнат коллективларида планларни кам ҳаражатлар билан бажаришга ҳаракат қилдилар.

Қурувчилар ва монтажчилар ўртасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган республика ўн беш кунлиги қурувчиси ташаббуси кенг қулоч ёйпти. Ўтган ярим йил мобайнида 1980 йилнинг шу даврига нисбатан асосий фондлар кўп ишга туширилди, Қурилиш-монтаж ишларига ўтган йилдагидан капитал маблағлар кўп сарфланди. Уй-жой, мактабларни ишга тушириш планлари бажарилди. Трактор, «Ташсельмаш» заводлари, абразив комбинати, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кимёмлар фабрикаси ва бошқа корхоналарни реконструкциялаш бўйича асосий вазифалар бажариляпти.

Шу билан бирга ишларимизга якун чиқариб ва уни КПСС XXVI съезди қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг телеграммасидан келиб чиқадиган талабларга таққослаганимизда коммунистлар, кўп минг сонли тошкентлик бинокорлар капитал қурилишда мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиши лозимлиги аён бўлади.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, асбобсозлик заводи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси объектлари, соғлиқни сақлаш ва савдо объектлари қурилиши қониқарсиз олиб бориляпти. Бу объектларда планлар бажарилмаяпти. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми ҳали ҳам кўп. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилганига қарамай, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олиб қаралганда 90 процентни ташкил этади.

Маълумки, қурилишнинг асосий мақсади — асосий фондларни, конкрет ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан иборат. Аммо айрим пудратчи ташкилотларда объектларни ишга тушириш амалда бу кварталдан у кварталга ўтказишдек мутлақо нотўғри тажриба қўлланиляпти.

Буюртмачи, пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатларнинг бир-бирига номувофиқлиги жуда кўп ҳолларда капитал қурилишнинг янада ўсишига жиддий тўғаноқ бўляпти.

Ҳозир жуда қийинчилик билан олиб борилаётган уй-жой қурилишини янада яхшилашда ҳам бу омил энг муҳим резерв ҳисобланади. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича йиллик планнинг кўп қисми III ва IV-кварталларга тўғри келади. Натижада, бу ойларда бинолар шошма-шошарлик билан, сифатсиз ҳолда қурилиб, ишга туширилади. Бу эса шаҳар меҳнаткашларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бош пландан четга чиқиш, микрорайонларни комплекс қуриш планларига хилоф иш тутиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Чилонзор, Акмал Икромов, Октябрь ва Киров районларида, шунингдек шаҳардаги йирик уй-жой массивларида қурилиш учун жой, тайёрлаш масалалари суст билан ҳал этилаётир. Натижада, бу жойларда мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш, маиший, савдо, объектлари қуриш ва транспорт хизмати кўрсатиш проблемалари жуда кечикиб ҳал этилаётир. Натижада янги обод уй-жойларга кўчиб ўтган кишилар кўпгина ноқулай шарт-шароитларни бошдан кечиряптилар. Улар зарур саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун кўп вақт сарфлаб, узоқ жойларга қатнашга мажбур бўлишмоқда.

Капитал қурилиш программасини муваффақиятли амалга оширишнинг бирдан-бир йўли — қурилишларнинг моддий-техника базаларини такомиллаштириш ва ривожлантиришни тезлаштиришдан иборатдир. Тошкентда тўла йиғма қурилиш даражаси 70 процентга етган. Шаҳар қурилиш индустрияси «ИИС-04» сериали янги прогрессив конструкциялар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Шунингдек, биноларнинг томлари янгича усулда ёпилмоқда. Енгил металл конструкциялардан қурилаётган иморатларнинг тўла комплектлари ишлаб чиқарилятти. Бадиий сопол элементларини саноат асосида ишлаб чиқариш, шунингдек гипсдан турли материаллар тайёрлаш йўлга қўйилди. Йирик панелли уйсозлик қувватлари эса деярли 150 минг квадрат метрга ошди. 2-уйсозлик комбинати реконструкция қилинмоқда. Катта ҳажмли блокли уйсозлик комбинати ва 5-уйсозлик комбинати қурилиши юксак суръатлар билан олиб борилятти.

Аммо шунн ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳали бу йўналишда ҳал этилмаган кўпгина муаммолар ҳам мавжуд. Мамлакатимизнинг илғор уйсозлик комбинатлари сингари янги типдаги ва янги типовой лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қуришни ўзлаштириш борасида бизнинг комбинатларимизда қолоқлик кўзга яққол кўринib турибди. Прогрессив қурилиш материаллари ва конструкциялари, айниқса пардозлаш материаллари жуда кам ишлаб чиқариляпти.

Капитал қурилишнинг бугунги миқёслари, қурилиш материалларига бўлган талабнинг ўсиб бориши модий-техника ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласини кун тартибига жиддий равишда қўймоқда. Шаҳардаги кўпчилик қурилиш ташкилотлари цемент, ёғоч материалларини меъёридан ортиқча ишлатишяпти. Ўнлаб тонна металл прокатлари, қувурлар, металл конструкциялар тугалланмаган объектлар қурилишида яроқсиз ҳолга келяпти.

Капитал қурилишни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ишлаб чиқаришни модернизациялаш даражасини оширишни ҳам тақозо этмоқда. Шуни айтиш кифоякки, ҳозир барча қурувчиларнинг 60 процентдан кўпроғи қўл меҳнати билан машғул. Пардозлаш, сантехника, юқлаш-тушириш ишларида механизациялаш даражаси айниқса сусткашлик билан ўсяпти. Бу ва бошқа нуқсонлар натижасида қурилишдаги меҳнат унумдорлиги беш йилликнинг контроль кўрсаткичларидан орқада қоляпти.

Капитал қурилишдаги мавжуд аҳволнинг тўла масъулиятини ҳис этган шаҳар партия комитети капитал маблағлар самарадорлигини оширишнинг барча тадбирларини кўрмоқда. Бу муҳим тармоқда партия раҳбарлигини кучайтириш масаласи шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг капитал қурилиш соҳасидаги кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов телеграммасида қўйилган вазифалар асосида ҳозир ҳамма жойда қурувчилар коллективларида очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтмоқда, район партия активларининг йиғилишлари бўлиб ўтди, шу масала юзасидан шаҳар партия активи йиғилиши бўлди. Қурилишларнинг партия штабларида ишни активлаштириш тадбирлари амалга оширила бошланди.

Коммунистларнинг эътибори ва куч-ғайратлари куч ва маблағларни, энг аввало, ишга туширилаётган муҳим объектларда тўплашга қаратилмоқда. Қурилишни ташкил этишнинг прогрессив форма ва методлари, бригада пудратини кенг жорий этишга эътибор бериляпти. Қурилиш индустрияси корхоналари, республика монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотлари ишини яхшилаш юзасидан ҳам кўпгина тадбирларни белгиладик.

Ишга туширилаётган барча объектларда амалда конкрет ташкилий-техникавий ва идеологик тадбирлар ишлаб чиқилди, объектларни босқичма-босқич ишга туширишнинг аниқ графиги ишлаб чиқилди, қурувчилар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, партия ташкилотлари структурасини янада такомиллаштириш, муваққат партия группалари ташкил этиш ва уларнинг қурилишлардаги аҳволга таъсирини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Ишдаги муваффақиятларимиз, кўп жиҳатдан, қурилиш объектларида ишнинг нақадар тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Ҳамма жойда биринчи беш йиллик плантопшириқлари, муқобил планлар ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун, барча белгиланган объектларни ўз пайтида ишга туширилишига эришиш учун зарур шароитлар яратиш лозим. Энди иш асосан 1981 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажариш учун фан ва техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш, қурилишда меҳнатни ташкил этишнинг илғор форма ва методларини жорий этиш асосида қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қўлга киритилган тажриба ва мавжуд имкониятлардан тўла даражада фойдаланишимизга боғлиқ.



«Ташкенткабель» заводининг ишчиси Рустам Йўлдошев корхонада биринчилар қатори «Ун бешлар ташаббуси»га қўшилганлардан биридир. У ўн биринчи беш йиллинда 8 йиллик ишлаб чиқариш нормасини бажаришга аҳд қилди. Моҳир прессловчи шу кунларда смена топшириқларини бир ярим, икки баравар адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўляпти.

В. Сироткин фотоси.

МУКОФОТ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1980 йилда ва умуман ўнинчи беш йилликда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ»

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН:

Абдуғаниев Тоштемир — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитетининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

Орифов Тулкен Тоҳирович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси қишлоқ хўжалик ва тайёрлов бўлимининг катта референти.

Бекбоев Суннат — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги ғалла ем-ҳашак таъминоти бошлиғи.

Васильев Сергей Васильевич — Ўзбекистон ССР Давлат план комитети қишлоқ хўжалик бўлими пахтачилик ва деҳқончилик бўлимчасининг бошлиғи.

Гриневич Владимир Феофанович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарининг ёрдамчиси.

Зоҳидова Ибодатхон — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ипакчилик Бош бошқармасининг катта агрономи.

Қосимов Маҳмуд — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш бўйича Давлат комиссияси инспектурасининг бошлиғи.

Мирпўлатов Камолжон Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари.

Мушеев Соломон Рафаилович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси қишлоқ хўжалик ва тайёрлов бўлимининг катта референти.

Раззоқов Машариф — қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари Ўзбекистон республика комитетининг раиси.

Савенкова Александра Петровна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси қишлоқ хўжалик ва тайёрлов бўлимининг катта референти.

Стебловский Иван Тимофеевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Торопкина Антонина Львовна — ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг илмий секретари.

Хорев Сергей Геннадьевич — Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲАНИЗАТОРИ»

Богма Анатолий Степанович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Ғафуров Содиқжон Ғафурович — «Главсредазирсовхозстрой» механизациялаш ва ремонт бошқармасининг бошлиғи.

Қамбаров Абдукарим — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги механизациялаш ва электрлаштириш Бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Плетнев Василий Иванович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қишлоқ хўжалик бўлимининг сектор мудири.

Самигулин Рауф Зуфарович — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитети чорвачилик фермаларини механизациялаш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи.

Файзиев Тўлқин Мажидович — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитети раисининг ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР»

Трапани Виктор Андреевич — Ўзбекистон ССР тайёрлов министрининг ўринбосари.

Тўрабоева Озот Тожибоевна — Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги «Узгипроплодоовощ» лойиҳа институтининг директори.

Тўраҳўжаева Лилия Муслимовна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узгипрозем» лойиҳа институтининг директори.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ»

Акбаров Анвар — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бошқармаси бошлиғи.

Востриков Юрий Михайлович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги молия бошқармаси бошлиғи.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР»

Асомов Эркин Акмалович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узглавзооветснаб» зоотехника ва ветеринария таъминоти Бош бошқармасининг бошлиғи.

Николаев Евгений Трофимович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси чорвачилик ва балиқ хўжалиги бўлимининг референти.

Ряслова Лилия Артемовна — Ўзбекистон ССР Давлат план комитети чорвачилик бўлимининг етакчи мутахассиси.

Усков Станислав Дмитриевич — Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги чорвачилик Бошқармаси зоотехниги.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»

Алленов Иван Павлович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Григорьев Александр Михайлович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Узгипроводхоз» институтининг бош инженери.

Жалилова Насимахон Абдурахмоновна — Ўзбекистон ССР Давлат комитети сув хўжалиги қурилиши бўйича техника бошқармасининг бошлиғи.

Просин Рюрик Михайлович — «Главсредазирсовхозстрой» сув таъсимоти ва суғориш системаларидан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи.

Раҳматов Неъматулла Изатуллаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлимининг инструктори.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1981 йил, 26 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1980 йилда ва умуман ўнинчи беш йилликда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН:

Абдуллаева Улфат Аъзамовна — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг афв бўлими мудирининг ўринбосари.

Абдурахмонов Абдуғафор Саъдуллаевич — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитети колхозлар ва совхозларга ишлаб чиқариш хизматини кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи.

Обидов Турғун — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлимининг инструктори.

Ананьева Валентина Николаевна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

Архангельский Виталий Николаевич — Ўзбекистон ССР Давлат комитети сув хўжалиги қурилиши моддий-техника таъминоти ва комплектлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Багдасаров Роберт Семенович — Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги қишлоқ хўжалик Бошқармаси механизациялаш ва электрлаштириш бўлимининг бошлиғи.

Бекназаров Рустам — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўлимининг катта референти.

Ғафуров Ҳожимурод — Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги қишлоқ хўжалик Бошқармасининг бош агрономи.

Еникеев Эдуард Якубович — Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги қишлоқ хўжалик Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Жайчиев Тошмамат — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Узоргтехстроймелиорация» трести бўлими бошлиғи.

Издибаев Султон Гариевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги маъмурий-хўжалик бошқармасини таъминлаш бўйича инспектори.

Исмоилов Ўктам Қўчқорович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Узирмаш» йиғлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент экскаватор ремонти тажриба-механика заводининг директори.

Каримов Абдуҳамид — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги чет мамлакатлар билан илмий-техника ҳамкорлиги бошқармасининг бошлиғи.

Кулаков Юрий Петрович — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитети ремонт Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Леонов Геннадий Григорьевич — Ўзбекистон ССР Давлат план комитети қишлоқ хўжалиги бўлими механизациялаш ва электрлаштириш бўлимчасининг бошлиғи.

Малашкин Геннадий Тимофеевич — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Узгипроводхоз» институти «Узводпромпроект» бўлими бош инженерининг ўринбосари.

Мирзаахмедов Рустам Бадалович — Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Мирзаев Олим — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабулхонасининг катта консультанти.

Муҳитдинов Карим Изатуллаевич — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг сектор мудири.

Нурматов Нуритдин — «Главсредазирсовхозстрой» қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва моддий фондлар бошқармасининг бошлиғи.

Першукова Зоя Ивановна — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги ҳисобга олиш ва ҳисобот бўлимининг бошлиғи.

Пономарев Владимир Николаевич — «Главсредазирсовхозстрой» моддий-техника таъминоти бошқармасининг бош инженери.

Прибиткова Галина Михайловна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг техник секретари.

Репина Галина Ивановна — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги молия бошқармасининг бош иқтисодчиси.

Солиҳов Собир Холмуҳаммедович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Бошқармаси қишлоқ хўжалик ва тайёрлов бўлимининг катта референти.

Файрушин Гермоген Мубаракшевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг инструктори.

Хилько Олег Михайлович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узгипрозем» лойиҳа институтининг бўлим бошлиғи.

Шарипов Рафиқ Зокирович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси қишлоқ хўжалик ва тайёрлов бўлимининг катта референти.


Ювусова Нури Латипжоновна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбар кадрлар бошқармасининг бошлиғи.

Ягудин Хайбар Исрафилович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги қишлоқ хўжалик республика сиртқи техникумининг директори.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. ЎСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1981 йил, 26 июнь.



Шаҳримиз кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда. Янгидан-янги бунёд этилаётган квартал ва хиёбонлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшяпти.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект манзараси тасвирланган.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Тошкент—Иваново: меҳнат беллашуви*

Дўстлар билан учрашув

Тошкентлик ва ивановолик тўқимачилар меҳнат беллашувига якун ясашди. Мусобақа ғолибларининг номлари аниқланди. Тўқувчилар Вера Солдатова ва Валентина Дербеневанинг янги марралари.

Ивановолик ва тошкентлик тўқимачилар мустаҳкам дўстлик ишлари билан боғланишган. Тошкент тўқимачилик комбинати дастлаб ишга туширилган пайтлардаёқ (бу 1934 йилда бўлганди) унинг цехларида Иваново меланж комбинати ва «тўқимачилик ўлкаси»нинг бошқа корхоналари вакиллари меҳнат қилиб, ўз тажрибаларини тошкентлик дўстларига ўргатишган эди. Тошкентдан кўплаб ишчилар Иановога бориб, йигирув машиналари ва тўқув станокларини созлаш ва бошқариш маҳоратини ўрганиб қайтишди. Шундан бери икки коллектив мусобақалашиб келадилар.

Йилда икки марта: қишда — Тошкентда, ёзда — Ивановода мусобақага якун ясалади. Учрашувлар орасидаги вақтларда техник янгиликлар ҳақидаги ахборотлар, технологик жараённи ташкил этишдаги янгиликлар айирбошланади.

Ивановоликлар ўзларида жорий этишган талайгина янгиликларни Тошкент тўқимачилик комбинати цехларида учратиш мумкин. Иваново меланж комбинати цехларида эса, Тошкент тўқимачилик комбинатининг новаторлари эришган қўпгина таклифлар жорий этилган.

Яқинда Иваново меланж комбинатида икки коллектив социалистик мусобақасига якун ясалди. Тошкентлик меҳмонларни дўстона, самимий кутиб олишди. Актив йиғилишида Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитети раисининг ўринбосари Г. Здрюмова нутқ сўзлади. У тошкентлик тўқувчилар 1980 йилни қандай якунлаганликлари, шу йилнинг биринчи кварталида қандай натижаларга эришганликлари ҳақида гапирди. Мингдан ортиқ тўқувчи шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан аввал бажарди, — деди Галина Михайловна. — Тўқувчи Нина Ершова беш йилликда ўн бир йиллик топшириқни, олти киши тўққиз йиллик топшириқни бажарди.

1981 йилнинг биринчи кварталида яна Н. Ершова ва бошқа ишлаб чиқариш намуна кўрсатиб, квартал топшириқни партия XXVI съезди очиладиган кунда бажардилар.

Мусобақа якунини чиқариш штабининг бошлиғи — меланж комбинати план-ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А. Шуварина икки корхонанинг ва икки комбинатдаги ўзаро мусобақалашаётган илғорларнинг иш якуни ҳақида ахборот берди.

1980 йил кўрсаткичлари бўйича Иваново меланж комбинати олдинда эди. 1981 йилнинг биринчи кварталида эса, Тошкент тўқувчилари меланжчилардан ўзиб кетишди. Бироқ, бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича икки коллективда ҳам қолоқликка йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Актив йиғилишида «Минглар шартномаси» бўйича меҳнат беллашувининг иштирокчиларидан бири, меланж комбинатининг тўқувчиси, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалерлари Валентина Николаевна Дербенева сўзлади. У кўп йиллардан бери тошкентлик тўқувчи В. И. Солдатова билан мусобақалашиб келяпти. Тўққизинчи беш йилликда Вера Ивановна олдинда эди. Учинчи беш йилликда Валентина Николаевна ўн йиллик нормани бажарди ва ўзининг тошкентлик рақибидан (Вера Ивановна беш йилликда 9 йил-у 10 ойлик топшириқни бажарди).

Мусобақа давом этди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Валентина Николаевна янги мажбурият олди — август ойи охиригача йиллик топшириқни бажаришга, яъни 299 минг метр хом сурп топширишга ваъда берди. Ўз навбатида Вера Ивановна беш йилликнинг биринчи йилида икки йиллик топшириқни бажаришга ваъда берди.

Икки корхонадаги бошқа илғорларнинг ҳам иш натижалари таққосланди. Меланж комбинати тўқувчиси В. Сараева тошкентлик А. Маер билан мусобақада ғолиб чиқди.

Тошкентлик тўқувчилар А. Котельникова, Н. Ланкина, йигирувчилар В. Руж, Э. Асанова, мастер ёрдамчиси С. Пўлатов, меланж комбинати ишчилари А. Цимлякова, Л. Пудовой, Е. Черепенко, Н. Орлова, А. Мишинх билан бўлган мусобақада ғолиб чиқишди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-фабрикаси мастер ёрдамчиси В. Скопинцев актив йиғилишида сўзлаб, Ўзбекистон ССР нинг 1984 йилда нишонланадиган 60 йиллигига қадар шахсий беш йилликни бажариш учун курашаётганлигини маълум қилди. У меланж комбинатидаги ҳамкасби, мастер ёрдамчиси А. Фоминни мусобақага чақирди.

Ҳар икки корхона тўқувчилари мусобақага якун ясашар экан, ишлаб чиқариш резервларини қунт билан излаб топиб, беш йилликка хизмат қилдиражакларини, партия XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашда юксак натижаларга эришиш мақсадида мунтазам тажриба алмашиб туриш истагини изҳор этдилар.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газетаси редакцияси.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ
13 ИЮЛЬ, 1981 й.



МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА

«НИЛУФАР» КУЙЛАЙДИ

Акмал Икромов районидаги Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйида бир қатор тўгараклар муваффақиятли иш олиб боряпти. Тўқиш, бичиш-тикиш, рақс тўгараклари, дуторчи қизлар, мақомчилар ҳаваскорлик ансамбллари бунга мисол бўла олади. Ишчилар, студентлар, ўқувчилар ўзларининг бўш пайтларини бу ерда мароқли ўтказмоқдалар, севимли касб ва ҳунар сирларини ўрганмоқдалар.

Маданият уйининг тўқиш ва бичиш-тикиш тўгаракларини ҳар йили 400 га яқин хотин-қиз битириб чиқмоқда. Айниқса, «Нилуфар» ансамбли иҳросидаги концертлар томошабинлар эътиборини қозонган. Ансамбль аъзолари Чимён дам олиш зонасида, завод ва фабрика ишчилари ҳузурида, адабий кечаларда ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Д. Ғафуров, Қ. Расулов, З. Орипова, М. Султонова каби ҳушовоз хонандалар ижро этган дилрабо қўшиқлар, С. Аъзамова, М. Ҳакимоваларнинг шўх рақслари санъат муҳлислари олқишига сазовор бўлмоқда.

Н. НАБИЕВА.

Ёшлар ижодидан

* * *

Кувдай сўқмоқларда ой каби юзиб,
Сингаман далага шамдай бетовуш.
Елларда ўйнайди сочларим тўзиб,
Бинафша атридан бўламан сархуш.
Шеърият ватани кенг далаларда,
Кўксимни қиздайин эркалар сабо.
Гўдак майсаларнинг шифобахш ҳиди,
Зеркқан руҳимга бўлади даво.



Оқиб бораётган болакай

(Ч. АЙТМАТОВНИНГ «ОҚ КЕМА»СИНИ ЎҚИБ)

Туш кўрдим,
Тушимда туби йўқ денгиз...
Бўрон бўлиб тўлқинлар
Соҳиллардан сапчқр.
Бир дам лоқайд боқсанг гар
Тортиб кетар домига.
Туш кўрдим,
Тушимда улкан денгиз...
Беланчакдай тўлқинлар
Олиб борар оғушида,
Кўзлари,
сочлари,
Юлдузсиз кечадай бир болакайни.
Сергалаён тўлқинлар қўйнида,
Қайиқ сингари,
Интила-интила соҳил сари,
Қалқиб-қалқиб борар болакай.
Қирғоқда бақувват,
олчоқ,
ялтоқи,
Бир гала одамлар
Уз жонларини ўйлаб,
Уз жонларини авайлаб,
Гўё кино кўраётгандай,
Чўкиб бораётган болакайни
Бешафқат кузатиб турар...
Денгизга чўкиб бораётган —
Тушимдаги бугдой ранг —
Болажай қисмати.
Сирқкратиб юборди менинг
юрагимни.
Мен соҳилдаги беғам,
лоқайд, ҳиссиз, мудроқ одамларга
Нафрат ўқин отгали,
Болакайни соғлом,
Омон кўриш,
Унинг-ла сўзлашмоқ учун,
Утли кўзларимни чирт юмиб
Тушларим диёрига кетдим...
Ишонаман, кўраман соҳилда
соғлом,
Кўзлари қоп-қора
ва тиллари бийрон болакайни...

Баҳор

Уйғонгин, атрофга тикилгин
Дарахтларда оппоқ наволар.
Боғларда бир ажойиб ҳидлар,
Рангин табассумлар очилар.
Уйғонгин, чопгин далаларга
Пойинг-да шеър тўқир майсалар.
Сойлардан таралар яллалар,
Тепангда қушлар — раққосалар.
Уйғонгин, термилгин атрофга
Шодликлардан учасан гўё.
Ер юзи чўмилган софликка
Уйғонган ажойиб бир дунё.

Куз манзараси

Бу кун беҳудуд далалар,
Ҳувуллаб ётибди кимсасиз.
Ивишган гўзапоялар шоҳида
Беланчак бўлиб учар мезонлар.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. АКБАРОВ: Революциянинг дастлабки йилларида Тошкент партия дружинаси штаби тузилгани ҳақида хабар эшитдим. Айтингчи, у қандай штаб бўлган?

Жавоб: Маълумки, 1918 йилнинг иккинчи ярмида Туркистон Совет республикаси душман халқаси ичида қолади. У марказдан ёрдам олиш имкониятидан маҳрум этилади. Ана ўша пайтда ишчи отрядлари, коммунистлардан ташкил топган дружиналар иш беради. Тошкент совет партия дружинаси ана шундай отрядлардан бири бўлган. У 1918—1919 йилларда шаҳарда банк, телеграф, хазина ва бошқа муҳим объектларни қўриқлаган. Бу штаб Гоголь ва Советская кўчалари чорраҳасидаги «Озодлик уйи» қаршисида жойлашган эди. 100—150 кишидан иборат айрим отрядлар граждаплар уруши фронтининг турли участкаларига жўнаб кетганлар. Улар республика ҳарбий қўмондонлигининг махсус топшириқларини адо этишган.

* * *

Л. АЗИМОВ: Мен пенсияга чиқмоқчиман. Баъзилар пенсия суммаси кейинги икки йиллик ўртача маошдан ҳисобланади дейишса, баъзилар бундан бошқачароқ муддатни айтишади. Қайси бири тўғри?

Жавоб: Агар пенсияга чиқмоқчи бўлсангиз, Сиз кейинги ўн йил ичида ўзингиз хоҳлаган беш йил муддатни танлаб олиш ҳуқуқига эгасиз. Бу беш йиллик давр ҳоҳлаган ойдан бошлаб ҳисобланиши мумкин. Хатто, ана шу беш йил ичида ишда узилишларга йўл қўйган бўлсангиз ҳам, ҳечқиси йўқ. Шунисн борки, бунда ишдаги узилиш муддати ўн икки ойдан ошмаган бўлиши керак.

* * *

К. ШАМСИДДИНОВ: Менинг ўғлим ҳали 17 ёшга тўлганича йўқ. Оилавий шароит тақозоси билан уни ишга жойлаштиргим келди. Аммо, ёпимиздаги корхона маъмурияти агар район Совети ижроия комитетининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ёки ёшларни ишга жойлаштириш комиссияси йўлланмаси бўлмаса ишга қабул қилмаймиз, дейишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Меҳнат ҳақидаги қонунга мувофиқ ҳали 18 ёшга тўлмаган йигит ва қизлар бундай комиссияларнинг йўлланмасисиз ҳам ишга қабул қилинаверадилар. Ўсмирлар энг яхши, илғор цех ва бригадаларга биркитилиши, уларнинг ўқиши ва тарбияси учун қулай имкониятлар яратилиши лозим.

Ўсмирларнинг меҳнат ҳуқуқларини чеклайдиган ҳеч қандай қоида йўқ. Барча ўсмирлар ишга киришдан олдин шу ишни бажаришга қурби етиши ҳақида медицина кўригидан ўтсалар, кифоя.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ТАҚРИЗ

Сўнгги вақтларда ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ғоят муҳим ва актуал проблемалари ҳақида қатор тадқиқотлар яратилиб, бир қанча монография ва илмий тўпламлар босилиб чиқди.

Умумий масалалардан конкрет, яхлит илмий анализларга қараб бориш кейинги йилларда яратилган фольклористикага оид асарларнинг бош хусусияти ва жиддий ютуғи ҳисобланади. Шу маънода қатор илмий рисолалар муаллифи, фольклорист олим Ғайрат Жалоловнинг «Фан» нашриётида чоп этилган монографияси ўз мавзуининг актуаллиги, масаланинг моҳияти ва унинг талқини нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўзбек фольклорининг турли жанрларда яратилган гўзал намуналари орасида эпиклик кўламининг кенглиги, бадиий тасвир бойликларининг гўзаллиги, образлар талқинининг баркамоллиги ва содда услуби билан ажралиб турувчи халқ эртаклари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунга кўра, Ғайрат Жалолов фольклористикага оид навбатдаги ишида тадқиқот объекти сифатида халқ эртакларини танлаганлиги табиий ҳолдир.

Муаллиф монографиянинг «Ўзбек эртаклари ва уларнинг турлари» номли биринчи бобида эртак жанрининг асосий хусусиятлари тўғрисида фикр юритаркан, бу бой ва кенг тарқалган жанрнинг халқ ҳаёти билан узвий боғлиқлигини, унинг меҳнаткаш омманинг турмуш шарои ти ва ижодкорлик салоҳияти, тинимсиз меҳнати ва юксак маҳорати натижасида юзага келганлигини тўғри таъкидлайди. Ғайрат Жалолов ўзбек халқи томонидан яратилган эртакларни уларнинг мазмуни ҳамда бадиий ҳусусиятларига кўра уч группага (1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. 2. Маиший эртаклар. 3. Сеҳрли эртаклар) ажратиб, уларнинг бир-биридан фарқларини конкрет мисоллар, чуқур мулоҳаза ҳамда кузатишлар оқибатида пайдо бўлган ишонарли фикрлар ёрдамида кўрсатишга муваффақ бўлади. Бу ўринда, тадқиқотчининг ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг пайдо бўлиш сабаблари, унинг ўзига хос специфик хусусиятлари, жанр имконияти ва тарихи тўғрисидаги мулоҳазаси чуқур илмийлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, монографияда анализ қилинаётган ҳар бир эртак халқ ўтмиши тарихи нуқтаи назаридан баҳоланади ва эртакларнинг инсоният тафаккури тараққиётидаги роли етарли далиллар билан исботланади. Китобнинг навбатдаги, «Ўзбек сеҳрли эртаклари» боби ўзбек халқ эртаклари орасида энг салмоқли қисмни ташкил этувчи сеҳрли фантастик эртаклар проблемасига бағишланган. Сеҳрли эртакларда фантазиянинг роли, миллийлик масаласи, ундаги мотивлар ва образлар системаси, эртаклар генезиси сингари ранг-баранг масалалар ана шу бобда ўртага ташланади. Бу масалалар Ғайрат Жалолов томонидан китобда келтирилган жуда кўп халқ эртакларини чуқур таҳлил этиш асосида ечиб берилади. Китобда сеҳрли фантастик эртакларнинг халқ ўртасида кенг тарқалган халқ китобларидаги ҳикоялар билан муносабати, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва бирбирини тўлдириши каби текширилиши зарур бўлган проблемаларга ҳам алоҳида эътибор берилганлиги олимнинг жиддий ютуғи ҳисобланади.

Рисоланинг учинчи боби «Эртакларнинг ўзбек фольклорининг бошқа жанрлари билан ўзаро алоқаси ва таъсири»га бағишланган бўлиб, унда ўзбек халқ эртакларининг достон, мақол, топишмоқ, қўшиқ сингари бошқа жанрлар билан ўзаро муносабати ва таъсири масаласи сеҳрли эртаклар воситасида таҳлил қилинади. Монографияда эртак ва достоннинг ўзаро муносабати масаласи «Рустамхон», «Кунтўғмиш», «Ширин билан Шакар», «Эрали ва Шерали» достонларидаги сюжет элементлари, мотивлар ҳамоҳанглиги мисолида кенг таҳлил қилинади.

Ғайрат Жалолов ўз тадқиқотида халқ эртакларининг ёзма адабиётга таъсири ва ўзаро алоқаси масаласига ҳам жиддий ёндошади. Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов сингари атоқли адибларимизнинг ажойиб асарлари мисолида фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири проблемаси тадқиқ қилинади.

Бироқ, монографияда юқорида қайд этилган қатор ютуқлар билан бирга айрим нотаниқликлар, мунозарали фикрлар ҳам учрайди.

Олимнинг фикрича, ўзбек халқ достонларининг вужудга келишига фақат халқ эртаклари асос бўлган. Бу фикр асосан тўғри. Лекин бундай чегараланиб қўйиш мумкин эмас. Чунки халқ эртаклари қатори фольклорнинг бошқа жанрлари, улардаги мотивлар, сюжетлар ва бошқа компонентлар баъзи ўзгаришларга учраган ҳолда кенгайиб, қайта ишланиб ва сайқалланиб эпосннинг яратилишида муҳим роль ўйнайди.

Монографияда сеҳрли-фантастик эртакларнинг бошқа жанрлар билан алоқаси изчил таҳлил этилгани ҳолда, эртакнинг бошқа турлари —айниқса, ҳаётий-маиший ва сатирик эртакларнинг ўзга фольклор турлари билан муносабати таҳлилига кам эътибор берилган.

Булардан қатъий назар, Ғайрат Жалоловнинг «Узбекский народний сказочний эпос» китоби ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос специфик хусусиятларини синчковлик билан тадқиқ этаётган олимнинг, қолаверса, ўзбек фольклористикасининг ғ қувончли ютуғи ҳисобланади. Асарнинг рус тилида нашр этилганлиги эса кенг ўқувчилар оммаси учун ўзбек фольклористикасининг айрим назарий проблемалари билан яқиндан танишиш имконини туғдиради.

Ш. УСМОНОВ,
Т. АШУРОВ,
С. АЛИМОВ.

САНЪАТ МУЗЕИИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТУРЛИ МАВЗУДА ЯНГИ АЛЬБОМ

Яқинда «Ёш гвардия» нашриёти «Жанглларда туғилган расмлар» деб номланган альбомни чоп этди.

Альбомга ўзбекистонлик жангчи-рассомларнинг ишларидан намуналар киритилган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Сами Абдуллаев, ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳикмат Раҳмонов, рассомлар Б. Жуков, В. Петров, И. Ушинский, В. Чубуков ва СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев яратган асарлар суронли жанг йиллари ҳақида бой маълумот беради, жангчиларимизнинг жасорати ва қаҳрамонлигини ёркин ҳис этишга кўмаклашади.

Альбомдаги расмлар Улуғ Ватан урушининг бадиий солномасига кўшилган муносиб ҳиссадир.

М. АҲМЕДОВ,
музейнинг катта илмий ходими.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН


ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Ҳар йил баҳор
келганда,
Даштлар гулга
тўлганда,
Қушлар байрамн бўлар,
Боғлар шодликка
тўлар.

Булбулдан
читтакача,
Лочин, тувалоққача,
Байрамга келишади,
Қувнашиб кулишади.
Ҳамма қуш ҳунарини,
Кўнглидаги борини,
Байрамда кўрсатади,
Даврани ясатади.
Булбул ёниб куйлайди,
Читтак жўшиб ўйнайди.
Жўр бўлишиб
чумчуқлар,
Айтишади қўшиқлар.
Танбур чалар
қалдирғоч,
Қувончлар ёзар
қулоч.
Лочин, бургут баковул,
Хизматида қирғовул.
Лайлак чалар ноғора,
Уйни қизғ тобора.
Майна, тўрғай
чалар най,
Қарға қағиллар
тинмай.
Какликлар этар ҳониш,
Ҳар кўнгилда завқ,
ёниш.
Товуслар товланади,
Кўнгиллар қувонади,
Беданалар сайрашар,
Ҳамма қушлар яйрашар.
Ҳар йил баҳор
келганда,
Даштлар гулга
тўлганда
Шундайин байрам
бўлар,
Диллар шодликка тўлар.
Исмингиз айтинг нима,
Ёзамиз таклифнома.
Сизларни қушлар
кутар,
Байрамга таклиф этар.

Саодат ТОЖИ.

△ РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА



ҚАДИМИЙ ОБИДАЛАРНИНГ ЖАЖЖИ НУСХАСИ

Маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва консервация қилиш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтида яқинда меъморлик бадиий устахонаси иш бошлади. Устахона ижодкорларининг асосий мақсади таъмир қилинадиган қадимий обидаларнинг жажжи нусхаларини, республикамизда қурилаётган янги иншоотларнинг макетларини яратишдир.

Бибихоним масжидининг модели ана шу устахонада яратилган биринчи иш бўлди. Уни яратишда Тоҳир Раҳимов ва Константин Гаврилюклар катта меҳнат сарфлашди. Ижодкорлар ўрта аср меъморчилигининг ажойиб намунаси бўлган масжид макетини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, меъмор Нина Николаевна Кузьмина раҳбарлигида яратишди.

Ўтган беш аср мобайнида меъморлардан ҳеч қайсиси Бибихоним масжиди 1404 йилда, яъни бино қурилиши якунланган пайтда қандай кўринишга эга бўлганлиги ҳақида бундай тадқиқот олиб бормаган эди. Институт меъморлари ва таъмиркорлари илк бор ана шундай ишга қўл урдилар. Бугунги кунда уларнинг изланишлари ажойиб макетда намоён бўлиб турибди.

Бибихоним масжиди билан биргаликда Кўқондаги Худоёрхон саройи, Хивадаги Ичанқалъа меъморий комплекси ва бошқа таъмир қилинадиган обидалар жажжи ва жозибали шаклда яратилди. Улар таъмиркор Тоҳир Раҳимов қўлида сайқал топган. Ғиждувондаги Бозор макети, Бухородаги қадимий қалъа — Арқдаги тарихий музей, Самарқанддаги Сиёб бозори макетлари ҳам киши диққатини жалб этади.

Тоҳир Раҳимов томонидан яратилган обидаларнинг макети уларни таъмирлашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, тошмошабинларга оламолам завқ бахш этувчи жажжи санъат асарларидир.

О. АПУХТИН.

* * *

СУРАТЛАРДА: Тоҳир Раҳимов иш устида; Бибихоним масжиди макети.

Автор фотолари.

САҲНА ОРТИДА БИР ЛАҲЗА

«ҲУР ҚИЗЛАР» ЖАСОРАТИ

Залга қоронғулик чўкиши билан радиодан турли хил тилларда овозлар янграйди. Уларнинг барчасини биз учун яхши таниш бўлган дикторнинг овози босиб кетади: «Бугун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи жаҳон парламентлари ва халқларига мурожаат этди...»

«Ёш гвардия» театрида ҳозирланаётган янги спектакль ана шундай бошланади. Б. Васильевнинг «Ҳур қизлар» асари асосида тайёрланаётган спектакль ўзининг урушга қарши йўналиши, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси билан эътиборга лойиқдир. Зеро, барқарор тинчлик учун кураш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Республикамизнинг барча театрлари бу йилги мавсумни якунламоқда. «Ёш гвардия» театри учун эса бу давр қизғин ижодий изланишлар палласига тўғри келди. Шунинг учун ҳам «Ҳур қизлар» спектаклини театрнинг бутун мавсум давомида олиб борган изланишлари маҳсули деб қараш мумкин.

Спектаклни саҳнага қўяётган театр бош режиссёри Х. Файзиев асосий ролларни ёш актёрларга ишониб топширган. М. Абдуллаева, У. Аҳмедова, М. Сулаймонова, М. Раҳимова каби театрнинг истеъдодли ёш актёрлари шу пайтгача бундай жиддий пландаги ролларни ижро этишмаганди. Ёш актёрлар ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил изланишяпти.

Спектаклда ёш актёрлар билан бирга А. Тошкенбоев, Н. Тошкенбоева, Т. Норматов сингари тажрибали санъаткорлар ҳам иштирок этишмоқда.

З. МЎМИНЖОНОВ.

ҚАТРАЛАР

* * *

Қўллар... Сизга жуда қийин... Тўғри ишни ҳам, қингир ишни ҳам ўзингиз қиласиз!..

* * *

Мангу оловга тикилганча оналар йиғлаяпти.. У ҳайкал... Тошдан ясалган!.. Тошдан ясалган оналарнинг кўз ёш тўкаяпти... Қаранг, унинг кўксида юрак бор.

* * *

Гуллар... Сизни ҳадя этганларида қанчалик яшнаб турганингиз... Кейин... сўлдингиз... Хатто, қовжираб қолдингиз!.. Барибир, сиз бахтиёрсиз!..

* * *

Ҳар кимнинг кўз очиб кўрган — туғилган ери ўзига жаннат. Афсонавий жаннат қанчалик гўзал бўлмасин, у ҳеч нима эмас!..

* * *

Одамлар энг бахтиёр дамларида қўшиқ куйлаб шодланадилар. Қизиқ. Одамлар энг ғамгин чоғларида ҳам қўшиқ айтиб йиғлайдилар...

* * *

Нафратланадиган кишинг билан яшаш мумкин... Лекин ўз-ўзингдан нафратланиб яшаб бўлармикин?!

* * *

Нима учун ёмон одамлар дунёга келади, деймиз. Лекин улар бўлмаса яхши одамлар ҳам бўлмасди-да.

* * *

Гўзаллик ноёб нарса... Бироқ нимагадир гўзаллар бир-бирларини кўролмайдилар...

* * *

Китоблар... Баъзан сизни багримга сингдираман деб, ўзим багрингизга сингиб кетаман... Бунча буюксиз?..

* * *

Офарин! Кимнингдир қора тунини ёритаман деб, ўзингни ёқиб адо қилдинг, шам! Сенга ўхшагим келади...

* * *

Жажжигина болакайдан сўрадим:
— Ким бўлмоқчисан?
— Одам...
Ажабо!

* * *

Маржонларга ачинаман... Умр бўйи кимнингдир бўйинга осилиб яшаш осонми?..

Маржонларга раҳмим келади.

* * *

Ор-номус пулга сотилмайди, лекин текинга ҳам берилмайди!

* * *

Қуёш нурлари билан она ерни қиздириб туради, дейдилар... Ундай эмас! Аксинча, она ер кўксидаги ўт қуёшни эритиб, оқизиб туради!

* * *

Нурлар — фарзанди жангда ҳалок бўлган оналарнинг оҳу фарёди, оталарнинг кўз ёши сингиб кетган, она ер кўксидан келаётган оташ нафасларга дош беролмай эриб-эриб тушаётган қуёш парчалари! Билмаганлар!.. Билиб қўйинг...

Г. ИБОДУЛЛАЕВА,
Хоразм.

«ШАРҚНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ»

Қорақалпоқларнинг машҳур «Баҳодир» ва «Шорёр» достонлари узоқ сафарга — ГФРнинг пойтахти Боннга жўнаб кетди. Ғарбий германиялик филолог, профессор Карл Райльнинг илтимосига биноан Қорақалпогистонинг таниқли халқ бахшилари Жумабой Бозоров билан Ўбайхон Содиқов шу достонларни магнитофонда ёзиб олиш учун ижро этдилар.

— Бу достонлар — шарқнинг олтин хазинасидир,—деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Карл Райль. —Мен халқ куйларини тўлқинланиб тингладим. Совет Ўрта Осиёси республикаларида оғзаки халқ ижоди асарларини ҳозирги кунларда ҳам жиров ва бахшилар оғзидан эшитиш мумкин. Бу асарларнинг ёзувлари мен университетда ўқийдиган шарқ фольклорига доир лекцияларга жуда яхши илова бўлади. Менинг ўзимга эса улар қорақалпоқ тилини яхшироқ ўзлаштиришда ёрдам беради.

Ўзбек эртаклари ва «Равшан» достонини немис тилига таржима қилган автор автоном республика олимлари ҳузурида меҳмон бўлди, уларнинг қорақалпоқ фольклори тарихига доир ишлари билан танишди, халқ бахшилари билан учрашди. Меҳмон Ўзбекистондан жўнаб кетаётиб олимлар ўртасидаги бундай самарали алоқалар тинчлик ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

(ЎзТАГ).



Ўзбек Давлат филармониясининг «Хайтарма» ансамбли республикамиз санъат ихлосмандларига яхши таниш. Ансамбль тез-тез колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда меҳмон бўлиб, ўз маҳоратини намойиш этади.

СУРАТДА: «Хайтарма» ансамбли ижросидаги дўстлик рақси. З. Шерфединов фотоси.

СУВЛАР

Аста қуримоқда денгиз сувлари,
Аста ўзгартмоқда дарёлар изни,
Табиатнинг бундай ноз-гулуларн
Ташвишларга солади бизни...
Олам кўксидаги бундайин жумбоқ,
Инсон йўлларини ҳеч он сиқмади.
Бизни ваҳимага отмасин ҳеч чоқ,
Денгиз, дарёларнинг қизиқ қисмати.
Ҳа, денгиз сувлари чўкади қуйи,
Аста ўзгартади дарёлар изни.
Шу тахлит, табиат асрлар бўйи
Синаб келар юрагимизни...

* * *

Ҳислар айлар сирли бир нидо,
Юрак ўзгартирар изини.
Шунда... ёзгинг келади. Аммо —
Сўзлар яширади ўзини.
Сўз ортидан от қўясан жим.
Нозли қизга ўхшайди сўзлар,
Қанча юрагингни этмагин сим-сим,
Топилмайди сўз қочган излар...
...Сўз васлига етганда охир,
Узгаради аввалги излар.
Энди қанча ёнма,
Уртама бағир,
Олиб қочар ўзини ҳислар...

* * *

Уфқ феруза ранг, мусаффо, тоза.
Уфқ сийнасида қирмизи алвон.
Богда япроқларга очгандай аза,
Чумчуқлар гирён...

* * *

Кўзларинг жонимнинг қасрига
тушди,
Кўзларинг қонимнинг қасрига
тушди.
Қонимдан очилган юздаги лоланг
Чўғ бўлиб қалбимнинг қасрига
тушди.

Исмоил ТУЛАКОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СУВДАН—ЁНИЛҒИ

Ереван Давлат университетининг мутахассислари қуёш энергиясининг ёрдами билан сувни водород ва кислородга парчалаш-фотолиз установкасини ясадилар.

Сиртдан бу «қуёш реактори» қанотларини йиққан капалакка ўхшаб кетади. Ичида — сув солинган шиша цилиндр бор. Бу установка лаборатория ҳовлисининг кунгай томонига қўйилиши ёки унга нур юборилиши билан ундаги сув қайнаётгандек бўлади. Фотолиз жараёни бошланади. Бир патрубкадан водород, иккинчисидан кислород — сувнинг таркибий элементлари ажралиб чиқади.

Ҳозир республика Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида намойиш этилаётган бу аппарат конструкция жиҳатидан мураккаб эмас. Бутун гап фотолиз жараёнини рағбатлантиришда ёрдам берувчи катализаторлардадир. Айни шу катализатор нур ёрдамида сув молекулаларн боғланишини бузиб, уни водород билан кислородга ажрата олади.

Арманистонлик олимлар бир қанча арзон, оддий технологияга биноан ясалган самарали ярим ўтказгич катализаторларни яратдилар. Сувни фотолиз қиладиган установка шулар асосида ясалган.

— Ҳозирги замон экономикаси тикланмайдиган ёнилғи энергия ресурслари — нўмир, нефть ва бошқа бойликларни жуда кўп ишлатади, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ишнинг илмий раҳбари, физика-математика фанлари доктори В. Арутюнян. — Сув фотолизи қимматли табиий хом ашёни тежаш йўлларида кенг имкониятлар очиб беради. Маълумки, сув — водороднинг ёнишн маҳсули бўлиб, уни фотолиз йўли билан сувдан яна ҳосил қилиш мумкин. Энди қуёш энергиясини фотоэлектрохимик ўзгартирадиган қурилмалари бўлган майдон вужудга келтирилди, деб тасаввур этинг. Шу майдондан газ қувурлари орқали истеъмолчиларга саноат хом ашёси ва юксак наслрияли ёқилғи бўлмиш водород юборилади. Заводлар, фабрикалар, автомобиллар водород энергиясидан ишлай олади. Қуёш нури таъсирида катализаторлар ёрдами билан саноат корхоналарининг оқинди сувини тозалаш, ундан нафли маҳсулотлар олиш мумкин бўлиб қолади.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

13 ИЮЛЬ, 1981 й.

КИНО

13, 14 июлда

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (2-фильм) — **Қозоғистон, Москва, Қийин дала» — Нукус.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАРГА» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51), **Чайка** (10, 13, 16, 19, жавоб берувчи автомат телефон 77-06-20).

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«СИЦИЛИАНЧА ҲИМОЯ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 96-34-02).

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Қозоғистон** (12, 13, 16, 17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92).

«ДОСТОЕВСКИЙ ҲАЁТИДАН 26 КУН» — **Искра** (17, 20.00, жавоб берувчи автомат телефон 3914-59).

С. РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИГА

қурувчи инженерлар, алоқа инженерлари, катта иқтисодчилар, иш юритувчи, машинистка, бош бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

13 ИЮЛДАН БОШЛАБ ШАҲАР ЭКРАНЛАРИДА

«РИСОЛАДАГИ ЭР»

ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

НАМОЙИШ ҚИЛАДИ



Постановкачи-режиссёр — Виктор ГЕОРГИЕВ.

РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТАДИЛАР: сэр Роберт Чилтерн — Юрий ЯКОВЛЕВ, миссис Чивли — Людмила ГУРЧЕНКО, леди Чилтерн — Анна ТВЕЛЕНЕВА ва бошқалар.

Фильмга Оскар Уайлднинг жамиятнинг иккиюзламалиги ва риёкорлиги, унинг «мутлақо хато қилмайдиган» пешволари устидан заҳархандалик ва сатира билан суғорилган пьесаси асос қилиб олинган. Рисоладаги эр, беками-кўст одам, соф виждонли давлат арбоби деб ҳисобланган сэр Роберт Чилтерн унинг сиёсий карьерасини бошлаб берган ифлос иш устида қўлга тушиб қолади. Дўстининг топқирлиги туфайли у жамият назарида обрўсига доғ тушмаган кўйи бўлиб қолади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТЕХНОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

инженер-конструкторлар, технологлар; етакчи инженерлар.

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ДЕПОСИГА

трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари, слесарь-автомеханиклар, кондукторлар, контролёрлар, кичик сотувчилар, электр слесарларининг шогирдлари. Елғиз кишиларга ётоқхоналардан жой еорилади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, фрезерчилар, штамповкачилар, йўнувчилар, шоферлар, прессчилар, темирчилар, қолипчилар, кранчилар, слесарь-ремонтчилар, йиғувчилар; қоровуллар, мастерлар, бухгалтерлар. Елғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

2-трестнинг

11- ВА 12-РЕМОНТ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАЛАРИГА

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ВА МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ КАПИТАЛ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, гишт терувчилар, ойна солувчилар, монтажчилар, шоферлар, турли ишчилар.

«Главташкентстрой»

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг

МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

минорали кранлар ва автокранларнинг машинистлари, слесарь-монтажчилар, электрчилар, қурувчилар; йўл монтёрлари, ҳайдовчилар, фрезерчилар, токарлар, дурадгорлар, автослесарлар, пайвандловчилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ускуналар ремонти бўйича конструкторлар, токарлар, слесарь-асбобсозлар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бухгалтерлар, катта омборчилар, учётчилар, омбор мудирлари, қаоул қилувчи-топширувчилар, юк ташувчилар, силлиқловчилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ —Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА КУНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

КУНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Самолётга хизмат кўрсатувчи электромонтёр, сонли бошқариш программасида ишловчи станоклар токари, электр-газ пайвандчи, универсаль фрезерчи, моделчи дурадгор, сонли бошқариш программасида ишловчи станокларни созлаш бўйича электрончи, йиғувчи слесарь, слесарь-сантехник-газпайвандчи, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Группалар спортга мойиллик нуқтаи назаридан комплектланиб, ўқишга кириш вақтида разрядчи-спортчилар алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва иш киймлари билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиш муддати — 10 синф маълумотидагилар учун 1 йил, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақидан 33 процент, 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга эса ойига қўшимча 35 сум стипендия тўланади.

Билим юртида тайёрлов курслари ишлаб турибди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (битирувчиларнинг 10 процента) келгусида политехника институти, физкультура институти, авиация техникуми, индустриал техникуми, шунингдек учувчилар билим юрти, граждан авиацияси институтида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Қолган барча ўқувчилар ишлаш учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Автомобиль ҳаваскорлари учун автомобилни ўрганиш бўйича техника группаси ташкил этилади. Билим юртида автокабинет мавжуд бўлиб, у энг замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган. Чунончи, картингистлар группаси мавжуд.

Тикиш-бичишни ўрганишни хоҳловчилар учун тикиш ва бичиш синфи ташкил этилган. Музика ва қўшиқни севувчилар учун эса йигит ҳаваскорлик тўгаракларида ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Билим юртида катта спорт комплекси мавжуд: стадион, спорт зали, курашнинг ҳамма турлари бўйича (жумладан каратэ) спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар спортнинг ўйин турлари: баскетбол, волейбол, футбол, отиш секцияларида қатнашишлари мумкин.

Авиация ишини севувчилар учун авиамодель тўгараги, фотокино ҳаваскорлар тўгараги, радио ва телевизор тузатиш ишлари бўйича тўгараклар мавжуд.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82«а»-уй (8, 48, 80-автобусларнинг «Поликлиника» бекати).

178-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти метрополитен қурилиши учун малакали мутахассисларни тайёрлайди.

Билим юртига 10 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: **ер юзасида ишловчи проходкачи, қулда пайванд қилувчи электр пайвандчи, облицовкачи, плитачи-кошинкор, қурувчи-бўёқчи, проходка бўйича электр слесарь, сантехник-слесарь, газ пайвандчи, дурадгор, тош йўнувчи-гранитчи.**

Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил; ер юзаси ишлари проходкачиси, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, ўқиш муддати—1 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини уч йил муддат билан тамомлаганлар диплом, 1 йил муддат билан тамомлаганлар эса билим юртини тамомлаганлиги ҳақида аттестат оладилар. Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар имтиёзли равишда транспорт қурилиши министрлиги олий ўқув юртларига кирадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР «ТАШМЕТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ ХОДИМЛАРИГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН, ЖУМЛАДАН, ТЕМИР ЙЎЛДА БЕПУЛ ЮРИШ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокаль-чолғу ансамбли, ўзбек миллий ансамбли, дискотека, ишлаб турибди.

АРИЗАЛАР УМУМИЙ ҚОИДАЛАР АСОСИДА (имтиҳонларсиз) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Д—20 квартали («Чилонзор» метро станцияси, у ёғига 50, 78, 29-автобуслар, 6, 11, 19-троллейбуслар билан ҳамда 21-маршрутли такси билан «Ётоқхона» бекатигача борилади).

Қизил Байроқли, Меҳнат Қизил Байроқ орденли

31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юртига 15, 16, 17 ёшдаги ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати 2 йил (фақат Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади), **стипендия ойига 72 сўм, ТЕПЛОВОЗНИНГ ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм. Маълумоти 10 синф ҳажмида бўлиши керак.**

8-синф ҳажмида маълумотлилар: ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЕРДАМЧИСИ, ЭЛЕКТРОВОЗ МАШИНИСТИ ЕРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗНИНГ ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРИК, ТОКАРЬ-РЕВОЛЬВЕРШЧИК, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

Ўқиш муддати 3 йил.

Таълимнинг 3 йиллик муддатини битирган ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва мутахассисликни эгаллайдилар.

Билим юртини «аъло» баҳода битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқи берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчилари фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига етиб бориш учун бепул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри— 74, Ҳамза райони. Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 8, 21, 48, 80«э» автобусларнинг «Котельная» бекати). Маълумотлар олиш учун 96-34-90.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 216-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: пўлат ва темир-бетон конструкцияларини монтаж қилувчи монтажчилар, дурадгорлар, қўлда пайвандловчи, электр пайвандловчилар (Ўқиш муддати 1—3 йил), қурилиш бўёқчилари (ўқиш муддати 3 йил), автомобилларнинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича оерилган разряд билан бирга ўрта маълумот тўғрисида диплом ҳам оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинган 8-синф ҳажмида маълумотлилар кунига уч маҳал бепул овқат, формали киймлар ва махсус киймлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотли йигитлар учун қуйидаги ихтисослар бўйича оеш ойлик курслар ташкил қилинади: қурилиш дурадгори, дурадгор, қурилиш бўёқчиси. Курсларни битирганларга 3, 4 разряд берилади. Машғулотлар группалар комплектлангандан сунг оошланади.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради. Бадиий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.

Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин. Зарур бўлганлар санатория ва дам олиш уйларига юборилади.лар.

Спорт комплекси базасида дзюдо ва каратэ бўйича район спорт секциялари ишлайди.

Аълочи ўқувчилар «В» ва «С» категорияли автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ойлик курсларда ўқишларя мумкин.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А—4 (25, 28, 29-трамвайларнинг сунгги, 24-автобуснинг «А—4» бекати).

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8— 10 синфни тамомлаганларни ўзбек ва рус группаларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилади: заргар, чиннига гул солувчи, чиннига шакл берувчи, чиннини сараловчи, слесарь-механиклар.

Ўқиш муддати— 3 йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшда бўлган, 8— 10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшлар учун 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар кийим бош ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10 синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 1—1,5 йил. Уларга стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтидаги иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ҳақида ҳамда танланган мутахассислик бўйича диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳода битирганлар олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 49, 59, 76, 116-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

Тошкентдаги электротехника ва электрон саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи ягона

34-ШАҲАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Асбобсоз-слесарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти ва улардан фойдаланиш бўйича электромонтёр, универсаль токарь, интеграл микросхемаларни йиғувчи (қизлар), ярим ўтказгич асбобларни йиғувчи (қизлар), иккиламчи коммутация занжирларини монтаж қилувчи электромонтажчи (қизлар), электр машиналари ва аппаратларини йиғувчи (қизлар), чизмакаш конструктор (қизлар, йигитлар), ОТК контролери, радио аппаратураларни йиғувчи.

БИЛИМ ЮРТИГА 8— 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати ихтисосга кўра 1— 2— 3 йил.

Билим юртига қабул қилинган 8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кўчалик ва иш киймлари билан таъминланадилар. Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг маълум қисмини оладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган кишилар учун ўқиш муддати қисқартирилади ва уларга 60 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ўқувчиларга касб билан бир вақтда (8 синф маълумотидагиларга) ўрта маълумот ҳам берилади. Хоҳловчилар айни бир вақтда «Электроаппарат» корхонаси базасидаги электротехника техникуми филиалида ўз ўқишларини давом эттиришлари мумкин.

Билим юртини тамомлаганлар имтиёзли равишда олий ўқув юртларига кирадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли, драма, хор, фото тўгараклари, техника ижоди тўгараги, «Электрон» ҳаваскорлик киностудияси, секциялар бўйича спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент шаҳар, Ленин район, Манжара кўчаси, 137-уй. (22, 55-автобусларнинг «Электротехника» заводи бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танлаган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахси" делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиги ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

13 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.20 «Ўсмирлар ижоди». 17.40 «Совет тасвирий санъати». «В. А. Фаворский устахонасида». 18.40 «Қалбга яқин қўшиқлар». 19.20 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА! «Краснодар системаси амалда». Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг комплекс системасини ишлаб чиққан Кубань меҳнаткашларининг илғор тажрибаси ҳақида. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари С. Ф. Медунов иштирок этади. 19.50 «Футбол шарҳи». 20.20 Н. Римский-Корсаковнинг «Садко» операси. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли. 21.30 «Время». 22.05 «Садко» операсининг давоми. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 «Садко» операсининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Димканинг жаҳли чиқди». Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдош» (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Горький номли Фарғона музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 22.25 О. Ёқубов «Диёнат». Кўп серияли телевизион видеофильм. 1-серия.

23.25 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. — 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. 19.10 В. Бурличев. «Соҳта келин». Телевизион новеллалар театри (такрорий). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Париждаги Биби Марьям ибодатхонаси». Фильм-балет. 20.50 Абитуриентлар учун. Математика.

14 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси. 10.35 «Шаҳарлар салобати». Бадиий фильм. 11.50 Латвия ССР Давлат академик хорининг концерти. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма: «Қишлоқ Советининг раиси». «Алоқа линияси». «Елена Устиновна». «Дала йўли». 16.20 Болалар учун. «Нўловчи». Телевизион бадиий фильм. 17.00 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.

17.35 «Ёшлар адреслари». 18.35 «Коммунистлар» туркумидан. «Нодар Думбадзе». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Миллий байрам — Бастилия ишғол этилган кунга бағишланган Франция телевидениесининг программаси. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 «Ҳужжатли экран» кўрсатувнинг давоми.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.40 Қаҳрамон шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. 11.30 Мультфильмлар программаси: «Похолдан ясалган ҳўкизча». «Дарслар тайёрланмайдиган мамлакатда». 12.00 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси. 13.15 «Сизга манзур шеърлар». 13.45 Синхрон сузиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 14.30 СССР Давлат академик халқ рақс ансамбли ижро этади. Бадиий раҳбар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти И. Моисеев. 14.50 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 15.25 «Музика ҳақида суҳбатни давом эттирамиз». Халқ қўшиғи.

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати. Минора. Финал. Тобилисидан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тупингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Шимоллик келин». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қувноқ шаҳарча». Фильм-концерт. 11.40 «Ақлли буюмлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 12.45 «Тула ҳақида қисса». «Киев ҳақида табассум билан». «Совет Иттифоқи шаҳарлари» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар. 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Дунё ҳароқчилари». Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Экономика тежамли бўлиши керак». Ўзбекистон ССР Давлат нефть инспекцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мангу барҳаёт сиймо». Адабий композиция. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Хатлардан қўшиқларга. «Ўзбекистон 1981 йил қўшиқлари» программасининг почтаси. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 О. Ёқубов. «Диёнат». Кўп серияли телевизион видеофильм. 2-серия. 23.40 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши— 22-53-66, саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10, адабиёт ва санъат —32-56-81, ахборот—33-28-95 спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари—33-55-32, хатлар —33-29-70, эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50

13 ИЮЛЬ, 1981 й. Р—07252. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В — 2159.